



# Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 январь, № 16 (9187)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ОБОДЛИК САРИ

2026 йил 22 январь дунёда яна бир халқаро тузилма — Тинчлик кенгаши расман фаолият бошлаган кун бўлиб инсоният тарихига кирди. Кейинги йилларда халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий зиддиятлар, иқтисодий инқирозлар фониди бундай глобал миқёсдаги ташкилотнинг тузилиши дунё ҳамжамияти тинчлик йўлида бирлашишга қарор қилганидан далолатдир.

### Муносабат

Ўзбекистон Президенти ҳам Тинчлик кенгашининг таъсисчиларидан бири сифатида унинг низоми-ни имзолагани ҳақидаги хабар юртимиз жамоатчилиги томонидан мамнуният билан қутиб олинган, шубҳасиз. Бу катта сиёсий жараён мамлакатимизнинг кенгаш фаолиятида изчил иштирок этишга, барча таъсисчи давлатлар ва халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда унинг ваколатларини ҳаёtgа татиқ қилишда амалий ҳисса қўшишга тайёрлигини билдиради.

Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг тинчликни таъминлаш йўлидаги ҳаётий ташаббуслари, кўп қиррали ҳамкорлики қўллаб-қувватлашга йўналтирилган устувор вази-фаларига мосдир.

Ўзбекистон дунё миқёсидаги халқаро ташкилотнинг таъсисчилари-дан бири бўлиши, бу — сўзсиз давлатчилигимиз тарихида янги са-ҳифа очилганини аңглатади. Янги Ўзбекистон нафақат Марказий

Осиёда, балки бутун Ер юзиди тинч-лик ва дўстона муҳит ҳукмрон бўли-шининг мустақкам тарафдоридир.

Албатта, бу йўлда Ўзбекистон халқининг чинакам хоҳиш-иродаси ифодаси сифатида давлатимиз раҳбари юритаётган фаол ташқи сиёсат алоҳида ўрин тутишини таъ-кидлаб ўтиш лозим.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратайлик. Тинчлик кен-гаши БМТнинг Хавфсизлик Кенга-ши резолюцияси билан қўллаб-қувватланган Ҳазо секторидидаги мо-жарони тугатиш бўйича комплекс режани амалга ошириш доираси-да шакллантирилмокда. Яъни кен-гаш можаронинг кескинлашув хав-фини камайтириш, Ҳазо сектори-да иқтисодий ва ижтимоий тикла-ниш учун қулай шароитлар яратиш-га қаратилган. Бу фаровон иқти-содиёт ва тинч-осойишта ҳаётга эга Янги Ҳазони барпо этиш, ис-тиқболда тўла ҳуқуқли Фаластин давлатини тузиш имкониятини ву-жудга келтиради. Кенгаш таркиби-дан жаҳоннинг турли мамлакатла-ридан нуфузли ва таъсирга эга етакчилар ўрин олгани унинг

халқаро аҳамиятини янада ошири-ши мукярар.

Тинчлик, барқарорлик ва фаро-вонликни кўзлаган ҳамкорлик Халқ демократик партиясининг асосий сиёсий позициясига, дастурий мақ-садларига ҳар томонлама уйғундир.

Ҳазода тинчлик ўрнатилиб, худуд-нинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳат-нинг янада ривожланишини қўллаб-қувватлаймиз.

Барқарорликнинг биринчи тала-би тинчлик эканлигига, тинчлик бўлмаган жойда иқтисодий тарақ-қиёт ҳам, ижтимоий адолат ҳам, сиёсий бирдамлик ҳам бўлмасли-гига тарихда кўп гувоҳ бўлганмиз. Шу сабабдан Янги Ўзбекистон дунёда тинчлик ҳукмрон бўлиши, халқларнинг хотиржам ва фаровон яшаш тарафдори, бевосита ишти-рокчиси эканидан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Улугбек ИНОЯТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасидидаги  
Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари.

## ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашига таъсисчи давлат сифатида аъзо бўлиши навбатдаги дипломатик иштирок эмас, балки мамлакатнинг глобал сиёсий жараёнлардаги ролини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқувчи қарор ҳисобланади.

Мазкур аъзолик мамлакатимизга умумбашарий миқёсдаги низола-рни ҳал этиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнларида тўғридан-тўғри қатнашиш имкони-ни беради ва Ўзбекистонни халқаро хавфсиз-лик архитектурасининг фаол ишти-рокчисига айлантиради.

Аёнки, кейинги йилларда мам-лакатимиз тинчлик ва хавфсизлик масалаларида ташаббускор субъект сифатида намоён бўлмок-да. Давлатимиз раҳбарининг маз-кур кенгаш ҳужжати таъсисчи сифатида имзолаши эса Ўзбекис-тонни глобал келишувларни шакллантиришда иштирок этувчи мамлакатлар қаторига қўшиши бил-лан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, Тинчлик кенга-шидаги иштирок орқали халқаро низола-р юзасидан сиёсий ва дип-

ломатик қарорлар қабул қилиниши-га бевосита таъсир ўтказиш мум-кин. Бу, айниқса, Яқин Шарқ ва унга яқин минтақалардаги мураккаб гео-сиёсий жараёнлар шароитида ало-ҳида ўринга эга.

Яқин Шарқ минтақасидидаги зид-диятлар ҳарбий қарама-қаршилиқ эмас, балки мувозанатли сиёсий ёндашув ва ишончга асосланган му-лоқотни талаб қилаётган бир ша-роитда Ўзбекистоннинг тинчликпар-вар позицияси муҳим омил сифа-тида намоён бўлмокда. Бу эса ташқи сиёсатда прагматик, узокни кўзлаган ва глобал масъулиятни ҳис этган давлат позициясининг ақил ифодасидир.

Мазкур платформа Ўзбекистон-нинг халқаро ҳуқуқ, БМТ резолюция-лари ва кўп томонлама дипломати-яни қўллаб-қувватлаш борасидидаги

принципиал позициясини амалиёт-да мустақкамлайди. Ўз навбатида, бу мамлакатни халқаро муносабат-ларда адолатли, мувозанатли ва ҳар томонлама мос шерик сифатида қабул қилинишига кўмак беради.

Яна бир муҳим жиҳати, Тинчлик кенгаши доирасида гуманитар ин-кирозларни юмшатиш, тинч аҳоли-ни ҳимоя қилиш ва тикланиш жа-раёнларини мувофиқлаштириш ма-салаларига алоҳида эътибор қара-тилади. Бу жараёнларда фаол иш-тирок эса мамлакатимизнинг инсонпарварлик, тинчликсеварлик сиёсатини Яқин Шарқ миқёсида амалий жиҳатдан намоён этиш им-конини яратади.

Покиза АХМЕДЖОНОВА,  
халқ депутатлари Сирдарё вилояти  
Кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИБ, ФАРОВОН ҲАЁТГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 январь камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вази-фалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш ав-валида 2025 йил якунларига қисқача тўхталди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда иқтисодиётимиз дастлабки прогноз-ларга нисбатан анча юқори суръ-атларда 7,7 фоизга ўсиб, ялпи ички махсулот ҳажми 147 миллиард дол-лардан ошди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари 2024 йилдагига нисбатан юқори бўлди. Жалб этилган хорижий инве-стициялар ҳажми 43 миллиард дол-ларга, экспорт эса 33,8 миллиард долларга етди.

Юқори иқтисодий фаоллик ва ўсиб бораётган истеъмол талабига қарамасдан инфляция даражаси 2024 йилдаги 9,8 фоиздан 7,3 фоиз-га пасайди.

— Иқтисодий ўсиш қанчалик барқарор бўлса, инфратузилмани яхшилашга шунчалик кўпроқ маблағ йўналтириш мумкин бўлади. Бу эса пировардида бандликни таъмин-лаш, даромадларни ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари ортда қолган бир йилда 366 минг оила камбағал-ликдан чиққани, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оши-риш бўйича қўрилган чора-тадбир-лар натижасида камбағаллик дара-жаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, иш-сизлик эса 5,5 фоиздан 4,8 фоизга тушганини қайд этди.

— Буларнинг барчаси ислохотла-римиз самараси бўлиб, давлат ва халқ ўртасидида ишонч тобора мус-тақамланиб бораётганидан далолат беради. Лекин ҳали олдимизда қила-диган ишларимиз жуда кўп, — деди Президент.

Қайд этилганидек, маҳалла исло-хотлар қаерда ишляпти, қаерда тўхтапти деган саволларга аниқ жа-воб берадиган асосий бўгин ҳисоб-ланади. Агар маҳаллада ишсиз одам ёки камбағал оила сакланиб қолаёт-ган бўлса, демак, ислохот ўша жой-га етиб бормаган. Агар “еттилик” ти-зими аҳоли муаммосини ҳал қила ол-маётган бўлса, демак, тизим ишла-маяпти.

— Имконият бор, маблағ бор, қарор ва дастурлар бор. Етишмаёт-ган нарса — масъулият ва шахсий жавобгарлик, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз мавжуд имконият-ларни ишга солишда ҳокимлар ва “маҳалла еттилиги”да методик билим ва амалий тажриба етишмаётгани, масъул вази-рлик ва идоралар эса уларга етарли даражада кўмаклаш-маётганини танқид қилди.

Мутасаддиларга бир ой муддатда ишсизлик ва камбағаллик юқори бўлган маҳаллалар имкониятларини ўрганиб, энг яхши тажрибалар асо-сида методик қўлланма ишлаб чи-қиш топширилди. Ҳокимлар эса жой-ларда унинг ижросини таъминлаб, аҳолини иш билан таъминлаш, да-ромадини ошириш ва уларни қийна-ётган масалаларга аниқ ечим топиш учун шахсан масъул бўлиди.

Йиғилишда жорий йил учун 1 мил-лион нафар аҳолини доимий иш бил-ан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағал-ликдан холи маҳаллаларнинг сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш ва-зи-фалари белгилаб олинди.

Йиғилишда “огир” туман ва маҳал-лаларда аҳолини иш билан таъмин-лаш ва даромадини ошириш маса-лалари атрофида кўриб чиқилди.

Аввало, бундай ҳудудларни бар-қарор электр энергияси билан таъ-минлаш зарурлиги қайд этилди.

Шу мақсадда 903 та маҳалланинг ҳар бирида қуввати 300 киловатт бўлган кичик қуёш электр станция-лари қўрилиб, маҳаллаларга “беға-раз актив” сифатида берилди. Ушбу станциялар ҳисобидан ҳар бир ма-

ҳаллада 400 — 500 миллион сўм қўшимча даромад келтирадиган “иқтисодий актив” шакллантирилади. Олинадиган “яшил” даромадлар “яшил” чора-тадбирларни амалга оширишга, хусусан, эҳтиёжманд хо-надонларни энергия тежамкор таъ-мирлаш, электр харажатларини ка-майтириш ва турмуш сифатини ях-шилашга йўналтирилади. Қуёш станцияларини эксплуатация қилиш ишларига мазкур маҳаллалар-да яшовчи камбағал оилалар аъзо-лари ишга жалб қилинади.

Бу ишлар ихтисослашув даражаси юқори бўлган яна 1 мингта илгор ма-ҳаллада ҳам амалга оширилади. Ки-чик қуёш станциялари тайёр ҳолда 7 йил муддатга маҳаллаларга фоиз-сиз лизинг асосида берилди.

Президентимиз ишсизлик ва кам-бағалликни қисқартиришда маҳалла-ларнинг ихтисослашувини янада чуқурлаштириш ҳал қилувчи аҳами-ятга эга эканини таъкидлади.

Бугунги кунда 903 та “огир” ма-ҳаллада 100 минг гектар томорқа ва ижара ерлари мавжуд. Агар ҳоким-лар “маҳалла еттилиги” билан бир-галикда сув таъминотини яхшилаб, уруғ-қўчат билан таъминлаб, ихтисос-лашувни тизимли йўлга қўйса, аҳоли даромади ва турмуш шароитида кес-кин ўзгариш қилиши мумкинлиги таъ-кидланди.

Маҳаллаларда ихтисослашувни рағбатлантириш мақсадида қўшимча молиявий механизмлар жорий эти-лади. Хусусан, томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари учун серти-фикатланган қўчатларни харид қилиш харажатининг 50 фоизи бюджет ҳисо-бидан қоплаб берилди. Мева тури-га қараб, “шпалер”лар учун 20 минг сўмдан 70 минг сўмгача субсидия ажратилади. Томорқада томчилатиб сўғуришни жорий қилганларга ҳар 1 сотих учун 160 минг сўм компен-сация тўланади.

Агар уста деҳқонлар маҳалладаги ҳар 10 та хонадонда экспортбop махсулот етиштиришни йўлга қўйса, 2 миллион сўм, агар буни томорқаси бор хонадонларнинг камида 30 фои-зида амалга оширса, қўшимча ра-вишда 75 миллион сўмдан мукофот олади.

Шунингдек, жорий йилда 2 минг гектар ўрмон ерлари 4 минг камба-ғал оилага 50 сотихдан тутзор бар-по этиш учун 10 йилга бепул ажра-тилади. Пиллачилик кооперациясини ташкил этиш учун эҳтиёжманд оила-ларга 4 миллион сўмдан субсидия, уйида пилла етиштириш истагиди бўлганларга эса хонадонни жиҳоз-лаш ва ускуна хариди учун 20 мил-лион сўмгача фоизсиз соуда бери-лади.

Йиғилишда жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллон сўм кредит ажратили-ши белгилангани қайд этилди.

— Очиғини айтиш керак, ҳозир банklar барча туман ва шаҳарларга бир хил шартда кредит тақлиф қиляпти. Лекин Олмазор билан Бўзатовнинг имконияти ва шароити бир хил эмас. Шу боис 37 та “огир” туманда “оилавий тадбиркорлик” дастури доирасида кредитлар 12 фоиздан берилди, — деди Президентимиз.

Барча туманларда “оилавий тад-биркорлик” бўйича имтиёзли кредит-нинг энг юқори миқдори 1,5 баро-бар оширилиб, 50 миллион сўмга ет-казилади. Импорт қилинган ва сер-тификатланган насли чорва учун 100 миллион сўмгача, уй меҳмонхо-наси, кичик музлаткич, махсулотни сақлаш ва қайта ишлаш минитехно-логиялари учун эса 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Чегара ва анклав ҳудудда жойлаш-ган 563 та маҳалладаги тадбиркор-лик лойиҳаларининг кредит миқдори 1 миллиард сўмгача оширилади. Бу мақсадда “оилавий тадбиркорлик” дастурларига режалаштирилган 3,6 триллон сўмга қўшимча равиш-

да яна 2 триллон сўм ресурс йўналтирилади.

Маҳаллалар ихтисослашувини чуқурлаштириш учун жорий йил банklar томонидан жами 17 трил-лион сўм кредит ажратилади. Бунда махсулот етиштиришга олинган кре-дитнинг 4 фоизи, уни қайта ишлаш лойиҳаларида эса 6 фоизи компен-сация қилиб берилди.

Ҳоким ёрдамчиларининг ишини “лойиҳавий ёндашув” асосида таш-кил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳар бир туман кесимида “лойиҳа-вий ёндашув” асосида амалга оши-риладиган лойиҳалар портфели шакллантирилади. “Оғир” маҳалла-лардаги бўш ер участкалари ва давлат объектларининг бошланғич нархини 2-3 баробарга пасайтириб, уларни сотувга чиқариш амалиёти жорий этилади.

Иш ўрни яратиш ва аҳоли даро-мадини ошириш бўйича энг яхши на-тижа кўрсатган 100 та “огир” ма-ҳаллага 1 миллиард сўмдан қўшим-ча маблағ ажратилади. Мазкур ма-ҳаллаларда фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчилари Хитой, Туркия, Жанубий Корея ва Малайзия каби давлатларга бир ойлик малака оши-риш курсларига юборилади.

Мисол сифатида Олмазор тумани-даги “Кайковус” канали бўйлаб амал-га ошириладиган лойиҳа келтирил-ди. Ушбу каналнинг 2 километрлик қисми “Эски шаҳар” ҳудудидаги 8 та маҳалладан ўтади. Энди мазкур ма-ҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ягона “лойиҳа гуруҳи”га бирилашиб, яхлит концепция асосида канал бўйи-да савдо, сервис ва дам олиш инф-ратузилмасини ривожлантириш иш-ларини амалга оширади.

Худди шу тартибда туризм, таъ-лим, тиббий хизматлар, реновация, кўл бўйлари ва гавжум кўчалар бўйи-ча ҳам ҳоким ёрдамчиларидан ибор-рат махсус “лойиҳа гуруҳлари” таш-кил этилади.

“Маҳалла еттилиги” фаолияти са-марадорлигини ошириш бўйича пой-тахтда йўлга қўйилган тажриба эн-дигликда барча туман ва шаҳарларда ҳам жорий этилади. Бундан буён ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фа-оли ва ёшлар етакчиси маҳалла ра-иси тақдимномаси асосида туман ҳокими томонидан лавозимга тайин-ланади ва озод қилинади.

Давлатимиз раҳбари яна бир му-ҳим масалага эътибор қаратади. Мам-лакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжа-лигини рўйхатга олиш бўйича кенг қўлмали тадбир бошлангани қайд этилди.

Ҳозирга қадар жами 7 миллион 613 минг хонадондан 4 миллион 776 мингтага рўйхатдан ўтган. Бироқ ушбу жараён Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суств кечаёт-гани кўрсатиб ўтилди.

— Бу каби муҳим тадбир мамла-катимизда сўнгги 37 йил ичида би-ринчи марта ўтказилмокда. Рўйхатга олиш ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оиланинг реал ҳолатини аниқлаш, келгуси режаларни шу асосда бел-гилаш, энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратил-ган самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилади, — деди Президентимиз ва барча юртдошла-римизни рўйхатга олиш тадбирида фаол иштирок этишга чақирди.

Йиғилишда туман ҳокимлари, ма-ҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчи-ларининг ҳисоботлари ҳамда тақлиф-лари тингланди.

Шу кунги Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Ол-мазор туманидаги бунёдкорлик иш-лари ва объектлар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Хастимом ма-ҳалласи Зарқайнар кўчасида ташкил этилган туризм ва хизмат кўрсатиш объектларини бориб кўрди.

(Давоми 2-бетда).





# МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИБ, ФАРОВОН ҲАЁТГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Туризм кам маблағ билан кўп иш ўрни яратадиган, аҳоли даромади ва ҳудудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Тошкент шаҳрида бу борада им-кониятлар кўп.

Жумладан, Олмазор туманида ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга солиш мақса-дида 447 гектар ҳудудни қамраб олган лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, 15 та маҳаллани ўзаро боғловчи туман аҳамиятидаги 6 та кўчада туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади.

Мазкур лойиҳанинг бир қисми — Зарқайнар кўчасида бажарилган бунёд-корлик ишлари. Бу ҳудуд асрлар давоми-да шакланган тарихий қиёфаси, миллий меъморчилик анъаналари ва ҳунармандчилик руҳи билан ажралиб туради.

Республика бюджетидан ажратилган 150 миллиард сўм ҳисобига бу ердаги 576 та хонадон миллий қўрилишда таъ-мирланиб, маҳалла тарихий муҳитга уй-ғун қиёфа касб этди.

Ўз нафар тadbиркор томонидан 166 миллиард сўм инвестиция киритилгани натижасида 7 та меҳмонхона, 8 та ресторан, 5 та ҳунармандлик маркази, 1 та савдо маркази, 125 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди, 1500 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари янгиланган кўча

бўйлаб юрар экан, миллий меъморий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шу ерда истикомат қилаётган оилалар, турист-лар, ҳунармандлар билан самимий суҳ-батлашди.

— Биз туристлар учун шароит яратишни истаймиз, лекин бунинг асосини ҳам тўғри йўлга қўйишимиз керак. Масалан, ҳунармандчилик — миллийлигимизни ифодалайдиган асосий йўналишлардан бири. Ҳунар-мандларга махсулот ишлаб чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг вазифамиз. Ма-лакали кадрлар тайёрлаш зарур. Шу мақсадда ҳунармандлар университетни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Биз тadbиркорлар билан учрашмиш, эн-дликда ҳунармандлар билан ҳам ало-ҳида учрашувлар ташкил этамиз, — деди Президент.

Мутасаддиларга туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ишларни яна-да такомиллаштириш, маҳаллалардаги тарихий муҳитни асраб-авайлашган ҳолда иқтисодий фаоллиқни ошириш, энг муҳими, одамлар манфаатига хизмат қиладиган барқарор тизимни шакллантириш бўйича аниқ топшириқ-лар берилди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига “Ол-мазор” инновацион ўсиш ҳудудини ри-вожлантириш бўйича ишлаб чиқилган мастер-режа тақдимот қилинди.

Тақдимотда ҳудудни фазовий-ҳуду-дий ривожлантириш концепцияси, эҳтиёжларни баҳолаш натижалари ҳамда функционал зоналаштириш ечимлари кўрсатиб ўтилди.

Мастер-режага мувофиқ, таълим-ин-новация, туризм ва савдо, маданий ме-рос, бизнес ҳамда IT хизматларини қамраб олган “ривожланиш коридор-лари” шакллантирилади.

“Эски шаҳар” атрофида Талабалар шаҳарчаси, университет ва технопарк-лар, соғлиқни сақлаш объектлари, шу-нингдек, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Чорсу ва тарихий шаҳар марказини ўз ичига олган туризм йўна-лишлари ўзаро боғланади. Шу билан бирга, шимолӣ марказий ишбилар-монлик ҳудудиди офислар, IT-парк ва бизнес марказларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Мастер-режани амалга ошириш ор-қали тарихий меросни сақлаган ҳолда замонавий инфратузилмани ривожлан-тириш, ҳудуднинг иқтисодий салоҳия-ти ва шаҳар муҳитини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсад қилинган.

— Хар бир кўча учун камида беш йиллик мастер-режа ишлаб чиқиш за-рур. Кеча Швейцариянинг Давос шаҳ-рида биналар сақланган ҳолда, шаҳар муҳити шароитга мос равишда ривож-лантирилаётганини кўрдим. Биз ҳам “Эски шаҳар”ни асраб-авайлашимиз,

янада ривожлантиришимиз шарт. Шу мақсадда алоҳида “Эски шаҳар” да-стурини ишлаб чиқиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Олма-зор туманидаги “Sinoped” кўп тармоқ-ли тиббиёт маркази фаолияти билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 10 ноябрь куни тиббиёт ва фармацев-тика ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, келгусида тиббиётда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва қўшимча шароитлар яратиш давом эттирилишини айтган эди.

Айни мақсадларга мувофиқ, юрти-мизда кўп тармоқли тиббиёт марказ-ларининг фаолиятига кенг имконият-лар яратиб берилмоқда.

Олмазор туманида жойлашган “Sinoped” кўп тармоқли тиббиёт мар-кази бүгунги кунда долзарб бўлган бар-ча йўналишларда, жумладан, туғуруқ, педиатрия, хирургия, травматология, ортопедия, эндокринология ва бошқа йўналишларда фаолият юритиб келмоқ-да. Марказ 30 миллион доллар эвази-га барпо этилган бўлиб, ундаги уску-налар Буюк Британия, Италия, Япония ва Германия давлатларидан олиб ке-линган.

Клиникада диагностика ҳамда ста-ционар бўлимлари мавжуд. Марказ йи-лига тўрт ярим минг нафар беморни

қабул қилиш қувватига эга. Бу ерда 300 дан зиёд иш ўринлари яратилган бўлиб, 80 нафардан ортқ шифокор-лар фаолият юритмоқда. Улардан 60 на-фари хорижда, хусусан, Жанубий Ко-рея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Япо-ния, Америка каби давлатларда мала-ка оширган шифокорлардир. Шу би-лан бирга, клиникада хорижлик мута-хассислар ҳам фаолият юритмоқда.

Мазкур марказ таркибида Тошкент шаҳрида биринчи хусусий туғуруқ мажмуаси ишга туширилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида 30 нафар аёлга хизмат кўрсата олади. Келгусида ўринлар со-нини янада кўпайтириш юзасидан иш-лар олиб борилмоқда. Болаларни эмлаш, профилактик кўриклар ҳам шу ерда ўтказилади.

Клиникада колл-марказлар, махсус патронаж жамоалари ташкил қилинган. Беморларнинг уйига чиққан ҳолда кўриқдан ўтказиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, республикадаги энг катта хусусий вакцинация маркази, ху-сусий сектордаги ягона стерилизация маркази ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари кўп тармоқли тиббиёт марказида кўрсатилаётган хиз-матлар, беморлар учун яратилган им-кониятлар, жумладан, амбулатор ша-роитда даволаш хоналари билан та-нишди.

Шу билан бирга, оналик ва болалик йўналишида аёлнинг ҳомиладор

бўлгандан бошлаб туғуруқча, туғуруқ ва ундан кейинги давр учун тайёрлан-ган тизимли жараёнларни кўздан ке-чирди.

— Туғуруқ хизмати, айниқса, туғу-руқчага кузатув энг муҳим масалалар-дан бири. Айниқса, биринчи фарзанд-ни дунёга келтириш она учун стресс бўлмаслиги керак. Шунга қадар аёл мунтазам кузатувда бўлса, вақтида да-воланиб борса, унда ўзини авайлаш, соғлом оналик, соғлом болалик бора-сида тушунча пайдо бўлади, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари кўп тармоқли марказда ташкил этилган болалар май-дончасида ўйнаётган жажжи болажон-лар билан суҳбатлашди.

— Энг катта ютуғимиз, сизлар каби шифокорлар ўзлари олган билимлар-ни юртимизда қўллаётганидир. Шу ўринда айтиш лозимки, хусусий тиб-биётни жорий қилиш билан бирга ра-қобатни ҳам унутмаслик керак. Рақо-бат бўлсагина, одамларда танлов бўла-ди. Хусусий даволаниш марказлари кўпайса, аҳоли даволаниш учун берган пулга яраша сифатли хизматга эриша-ди, — деди давлатимиз раҳбари кли-ника жамоаси билан суҳбатда.

**Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ,**  
**Икром АВВАЛБОВЕ,**  
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**  
**Бехруз ХУДОБЕРДИЕВ,**  
**ЎзА махсус мухбирлари.**

## Семинар

## АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНИБ, БИЛИМЛАР ОШИРИЛАДИ



Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи-да жойлардаги раҳбарларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва масъулиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўқув се-минарларининг асосий мақса-ди — маҳаллий давлат ҳокими-яти органлари фаолиятини за-монавий талаблар асосида ташкил этиш, маҳаллий вакил-лар ва ижро органларининг ба-ҳамжihatлиқда ишлаб, аҳоли муаммоларини биргаликда ҳал қилиш кўникмаларини шакллан-тириш, раҳбарларнинг бошқа-рув маданиятини ошириш ҳамда аҳоли билан ишлаш си-фатини яхшилаш.

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ҳамда ҳокимлар учун ўқув семинарлари давом этмоқда. 22 — 24 январь кунлари ўтказиладиган семинарларда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан келган тингловчилар қатнашмоқда.

Машғулотлар давомида тингловчиларга ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини маҳал-лий даражада таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмла-ри, туман (шаҳар) Кенгаши раи-си мақоми, ҳудудларни ижти-моий-иқтисодий ривожланти-риш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, Кенгашнинг ҳокимлар билан ўзаро муноса-батларига оид 20 га яқин мавзу-ларда маърузалар ҳамда ама-лий машғулотлар ўтказилади.

Семинарларда туман (ша-ҳар) Кенгашининг иш тартиби, иш режасини шакллантириш, Кенгашда мансабдор шахслар-нинг ҳисобот (ахборот)ларини эшитиш, Кенгаш раисининг партия гуруҳлари, доимий ко-миссиялар билан ҳамкорлиги, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш усуллари, Кенгаш

қарорларини қабул қилишда қонунийлиқни таъминлаш, му-рожаатлар билан ишлаш, де-путатларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, Кен-гаш фаолиятида рақамли те-хнологияларни қўллаш билан боғлиқ муҳим масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Тингловчилар қарор қабул қилишда қонунийлиқни таъмин-лаш, маҳаллий муаммоларни ҳамкорликда жойида ва ўз вақ-тида ҳал этиш, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш, таҳлил-га таяниш, аҳоли мурожаатла-ри билан ишлашда очиклик ҳамда самарадорлиқни таъмин-лаш борасида ўз билим ва кўникмаларини оширмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий бошқарувда рақамли платфо-рмалардан фойдаланиш, элек-трон ҳукумат тизими орқали хизматлар сифатини ошириш,

**Олий Мажлис Сенати**  
**Ахборот хизмати.**

## Фикр

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМ

Бугунги шиддатли жараёнлар, тезкор иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир давлатдан стратегик мақсад ва устувор йўналишларни замон талабларига мос равишда қайта кўриб боришни талаб этмоқда.



Шу маънода, Ўзбекистон та-раққиётини бел-гилаб берувчи асосий страте-гик ҳужжатлар-ни доимий ра-вишда янгилла-ш, уларни аҳоли эҳтиёжлари, глобал ва минтақавий ўзгаришлар билан уйғунлаштириш давлатимиз раҳбарининг доимий эъти-бор марказида. Бу ёндашув Янги Ўзе-бистонда амалга оширилаётган исло-ҳотларнинг узлуқсизлиги, очиклиги ва халқ манфаатларига хизмат қилаёт-ганининг яққол ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожа-атномасида “Ўзбекистон — 2030” стра-тегиясини қайта кўриб чиқиш бўйича илгари сурилган ташаббус мамлакат келажагини белгилаб берувчи муҳим сиёсий қарор сифатида кенг жамоат-чилик томонидан қўллаб-қувватлан-моқда. Чунки ушбу Стратегия нафа-қат иқтисодий ўсишни таъминлаш, балки аҳоли турмуш даражаси ва си-фати, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни у-стувор вазифа сифатида белгиласи.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси-нинг қайта кўриб чиқиши мамлакат-ни барқарор ривожлантириш, иқтисо-дийётнинг рақобатбардорлигини оши-риш, инвестициявий жозибadorлиқни мустаҳкамлаш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва ижти-моий ҳимоя соҳаларида сифат жиҳат-

дан янги босқичга чиқишга хизмат қилади. Айниқса, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий муаммо-ларни жойида ҳал этиш ва аҳолининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ масала-ларни устувор қўйиш Стратегиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида жорий этилаётган “мақсад — ҳаракат — натижа” тамойили дав-лат бошқарувини натижага йўнал-тириш, ортқча бюрократик тўсиқлар-ни қисқартириш ва қарорлар қабул қилишда масъулиятни кучайтиришга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, дав-лат идоралари фаолиятини фақат ба-жарилган ишлар эмас, балки эришил-ган аниқ натижалар асосида баҳолаш имконини яратди.

Умуман, Стратегиянинг замон талабларига мос равишда такомил-лаштирилиши ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва аҳоли фаровонлигини янада ошириш-га хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари-нинг “Ўзбекистон — 2030” стратегия-сини қайта кўриб чиқиш бўйича илгари сурган ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ишончимиз комилки, ушбу қарор Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги изохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизни бар-қарор, рақобатбардор ва ижтимоий адолатли давлат сифатида ривожланти-ришга мустаҳкам замин яратди.

**Ойбек МАМАТҚУЛОВ,**  
**халқ депутатлари Жиззах вилояти**  
**Кенгаши депутати.**

## Очиқ парламент

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА ХАЛҚЧИЛ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ОАВ вакиллари учун очик мулоқот ўтказилди. Унда қўмитанинг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда жорий йилдаги режалари юзасидан ахборот берилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2024 йил 18 — 20 ноябрь кунлари парламент палаталари мажлисла-ридаги нутқларида Олий Мажлис, жумладан, Қонунчилик палатаси қўмиталари олдиди муҳим вазифа-лар турганини таъкидлаб, қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурган эди.

Тақдиримотда таъкидланганидек, ўтган даврда қўмита ушбу вазифа-лардан келиб чиқиб, муайян иш-ларни амалга оширди. Айниқса, қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятда сезиларли натижалар-га эришилиб, қонун лойиҳалари му-ҳокамаси ва уларни қабул қилиш-да янги механизмлардан фойда-ланилди. Илмий-тадқиқот муасса-салари ва таҳлил марказлари би-лан ҳамкорлик мустаҳкамланди, бу бўйича меморандумлар имзоланди. Фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш, қонун лойиҳаларининг сифатини ошириш ва улардаги нормаларнинг халқчил ишлаб чиқилишини таъ-минлаш мақсадида қўмита ҳузори-да Жамоатчилик кенгаши тузилди.

Қўмита 2025 йил давомида 40 та қонун лойиҳаси (бундан ташқари, 7 таси ҳамлама қонун лойиҳаси) учун масъул бўлди, улар-дан 31 таси қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди, 3 таси биринчи ўқиш, 2 таси иккинчи ўқиш ва 3 таси учинчи ўқиш муҳокама-сига тайёрланмоқда.

Кўриб чиқилган қонун лойиҳа-ларида суд мажлисларида ишти-рок этиш жараёнини соддалаш-тириш, фуқаролар учун масофа-дан туриб суд муҳокамаларида қатнашиш имконини яратиш, суд

ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро тизимини рақамлаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш, айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий оғохлантириш жазосини қўллаш, махсус фото ва видео қайд қилиш техника воситалари орқали ёзиб олинган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қўлланилиши муддатларини аниқ белгилаш каби норматив-ҳуқуқий масала-лар акс эттирилди.

Қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича 101 та ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Мазкур йиғилишларда 5 та қонун лойиҳаси қарийб 50 — 60 фойзгача ўзгартрилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзо-лари томонидан 3 та қонун лойи-ҳаси ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қўйи па-лата муҳокамасига киритилди. Шу-нингдек, қўмита аъзолари 9 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига ки-ритишда иштирок этди. Масалан, депутатлар ташаббуси билан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, одо-метрни сохталаштирганилик (“про-бег”ни қамайтириш) учун жавобгар-лик белгилаш, қонун лойиҳалари-ни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишни мажбурий қилиш ҳамда жиноят ишини юритиш чоғида шахсларнинг тергов ҳибсхоналари-да сақланаётган даврида уларни қўшимча рағбатлантиришни назар-



да тутувчи қонунлар қабул қилинди.

Тadbирда қўмита томонидан парламент назорати йўналишида қатор ишлар олиб борилгани қайд этилди. Ўтказилган назорат-таҳлил тadbирлари давомида соҳавий му-аммоларни аниқлаш, давлат орган-лари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳамда қонун ҳужжатла-рини такомиллаштириш борасида муҳим амалий натижаларга эришилди.

Қўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчи-ларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфа-атларини таъминлаш билан боғ-лиқ масалалар юзасидан 10 та депутат сўрови юборилди.

Мулоқотда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасининг аҳамияти, ундан келиб чиқиб, қўми-танинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий эксперти-заси тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва унга юридик хизматнинг масъулиятини кучайтириш масала-сини киритиш, шунингдек, депутат-ларнинг қонун ташаббускорлигини янада ошириш зарурилги таъкид-ланди. Парламент назорати яқун-лари бўйича қўрилаётган чоралар-нинг таъсирчанлигини ошириш ло-зимлиги айтилди.

Тadbирда журналистларни қизиқтирган барча саволларга қўмита аъзолари томонидан батаф-сил жавоб берилди.

**Ойбек ЙЎЛДШЕВ,**  
**қўмита аъзоси:**



— Қўмитанинг ўтган даврда-ги фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-атларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга ало-ҳида эътибор қаратилди. Шунга қўра, қўмитага келиб тушган жўма, 2 009 та муро-жаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Айтиш жоизки, фуқаролар томонидан йўлланаёт-ган мурожаатларда қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга доир тақлифлар салмоғи ортиб бормоқда. Ҳисобот даврида қўмитага юборилган му-рожаатлар орқали миллий қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид 118 та тақлиф келиб тушган.

Уларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғри-сида”ги, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонун-лар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга оид масалалар назарда тутилган.

Қўмитага илмий ҳамжамият вакиллари ҳам кўп мурожаат этишди. Олимлар томонидан тақдим қилинган илмий тақлифлари қонунларда акс этти-ришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Мамлакатимизнинг олис ҳудудларида нотариус лавозимига талабгорларни суҳбат асосида тайинлаш тартиби белгиланди.



# Янги Ўзбекистон дипломатияси феномени

“Хозирги шароитда элчи дегани фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас. Элчи — инвестиция ва технология олиб келадиган, янги экспорт бозорларини очадиган, транспорт-логистика йўлаklarини ишга соладиган, туристлар оқимини кўпайтириб, қонуний меҳнат миграцияси учун шароит яратадиган, энг асосийси, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат вакилидир”. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 15 январь куни бўлиб ўтган Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айтган бу сўзлари ҳамкор давлатлар билан алоқаларимизни янгича тақдир қилиш бўйича истиқболдаги вазифаларнинг асосий йўналишларини ўшада акс эттиради.

## Мулоҳаза

### Жаҳон сиёсатининг муҳим актори

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Билим ва донолик — инсоннинг беэағидир”, деган ҳикмати сўзлари бор. Фикримизда, Ўзбекистон Президенти дипломатияси феноменининг ўзига хослиги айнан билим ва донолик, жасорат ва баргиреңглик фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Гап шундаки, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг объекти эмас, балки том маънода фаол ва ташаббускор субъектига айланди. Зеро, XX аср бошидан токи яқин даврларгача Ўзбекистон жаҳон сиёсати объекти бўлган ва унга нисбатан гоҳ “ақин хориж”, гоҳ “хонашў базаси”, гоҳ эса “постсовет ҳудуди” каби бепишанд “ёрлик”лар кўлланиб келингани сир эмас.

Кейинги тўққиз йилда Президентимизнинг қатъияти ва прагматик сиёсати тўғрйли мамлакатимиз жаҳон сиёсатида бошқаларнинг ортидан эргашадиган ташаббуссиз объект ҳолатидан дадил чиқиб олди. Янада эътиборлиси, дунёда кескин геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган бугунги мураккаб шароитда Янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга иқлимни муҳофаза қилиш, “ашиил” иқтисодиётни жорий этиш, фуқаросизликка барҳам бериш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби турли соҳаларда янги ғоя ҳамда лойиҳаларни тақдим қилаётган жаҳон сиёсатининг фаол актори ҳисобланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Очик, прагматик, пухта ўйланган ва ташаббускор тақди сиёсатимиз натижасида Ўзбекистон глобал тинчлик ва дипломатия марказларидан бирига айланиб бормоқда”.

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсат борасида 2025 йил кўп жўнатишдан натижадор бўлганини алоҳида қайд этгани бежиз эмас. 2025 йилда Президентимизнинг 26 та хорижий давлатда олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди, қатор давлатлар раҳбарлари Ўзбекистонга илк бор келди. Мамлакатимизга ташриф буюрган давлат бошлиқлари, ҳукумат раҳбарлари ва юқори даражадаги меҳмонлар билан ўтказилган қабуллар сони 23 тани ташкил қилди.

Ўтган йил Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида дипломатик муносабатлар географияси сезиларли даражада кенгайган давр сифатида намён бўлди. Йил давомида мамлакатимиз Африка, Океания ҳамда Қариб хавзасига мансуб 8 та давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

2017 йилдан буюн ҳисоблаганда эса хорижий давлатларда 16 та янги дипломатик ва консуллик ваколатхонаси очилиб, уларнинг сони 60 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган давлатлар сони эса 165 тага етди. Ўзликлар, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар штатлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг иш ҳақи оширилди.

Шунингдек, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида ўзининг амалий натижасини яққол кўрсатган тўб янги усул: телефон дипломатияси изчил давом эттирилди. Давлатимиз раҳбари 2025 йил давомида таниқли давлат ва жамоат арбоблари билан ўзгара 50 дан ортқк телефон сўзлашувларини амалга оширди. Буларнинг барчаси, ўз-ўзиндан сўнгги йилларда Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати соҳасида ҳам камровдор ислохотлар олиб борилганини очик-ойдин намён қилиб турибди.

Шу жиҳатдан Президентимиз 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномасида давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида кейинги тўққиз йилда амалга оширилган улкан ислохотлар самаралари, шиддатли янгиланишлар натижадорлиги ҳақида сўз юритгани ҳам бежиз эмас. Шундай экан, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти ҳам айни шу мезон — натижадорлик кўрсаткичлари бўйича ҳар томонлама теран ва тизимли таҳлилга тортилгани мантиқан асослидир.

### Марказий Осиё руҳи

Бугун Марказий Осиё давлатлари глобал ва минтақавий сиёсат кун тартибидаги кўплаб долзарб масалалар бўйича ягона позицияда туриб ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, “Мамлакатларимиз 2017 йилдан буюн Марказий Осиёда тараққиёт ва шериклиكنинг муҳим масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 10 дан зиёд резолюциялари қабул қилинишига эришди”.

Ўзбекистон етакчисининг 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясидаги илк нуктида баён этилган аҳил ва иноқ, ҳамжihat ва яқин самарали кўшнчилик сиёсати, таъбир жоиз бўлса, минтақавий сиёсатга оид ноёб янги доктринадир. Шу асосида Марказий Осиё давлатлари бугунги кунда долзарб бўлган минтақавий масалаларни очик ва самимий муҳокама қила бошладди. Натижада халқаро сиёсий лўғатда минтақавий тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи ўзига хос моделини акс эттирадиган “Марказий Осиё руҳи”, “Янги Марказий Осиё” атамалари шаклланди.

Қисқа даврда дунёда минтақамизга нисбатан ишонч ва ҳамкорликка интилиш кучайди. Айниқса, Президентимиз эътироф этганидек, “Марказий Осиё плюс” форматидagi кўп томонлама мулоқотлар сермахсул бўлди. Сўнгги йилларда 11 та давлат, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 19 га етди, Қозғоистон, Озарбайжон ва Тожикистон билан иттифокчилик муносабатлари йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз пойтахтида 2025 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Президенти раислигида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви гоят катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Маслаҳат учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад ўз ифодасини топгани таҳминга сазовордир.



Инсон ҳуқуқлари — замонавий цивилизация тараққиёти даражасини кўрсатиб турувчи мезондир. Афсуски, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий инкиролар, геосиёсий ўзгаришлар ва қуролли можаролар инсон ҳуқуқлари масалаларига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар дастури ҳар бир давлатга инсон ҳуқуқларига доир миллий ҳаракатлар режаларини қабул қилишни тасвия этган.

Шу маънода, Президентимиз ташаббуси асосида қайта кўриб чиқилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланаётган лойиҳаси 451 та мақсадни ўз ичига олгани, жумладан, 2026 йил бошида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси кўзда тутилгани катта аҳамиятга эгадир. Бу — Янги Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Миллий стратегия бўлади. Ҳужжатда Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини кўриб чиқиш асосида тақдим этилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав ва шартномаларни органлари тасвиялари ҳам ўз аксини топади.

### Глобал мулоқот майдони

Кейинги даврда Янги Ўзбекистон глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдони сифатида ўзини аққол намён этмоқда. Мамлакатимиз биргина 2025 йилнинг ўзида Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей асамблеясига, ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессиясига, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитига, Халқаро иқлим форумига мезбонлик қилди.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ҳамкор давлатлар билан икки томонлама, асосий халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамда қўшни мамлакатлар билан минтақавий дипломатияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли азёсоти сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўп томонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя этиш принципларига сўзсиз амал қилишнинг намоиш этмоқда. Сўнгги вақтларда халқаро низоларга тинч йўл билан ечим топиш, янги глобал қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, глобал мулоқот, глобал ҳаракатлар ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Сўнгги йилларда БМТ билан ҳамкорлик бемисл даражага кўтарилиб, 160 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг аққол тасдиғидир. Биргина 2025 йилнинг ўзида БМТнинг асосий тузилмалари ва институтлари, жумладан, БМТ-Ҳабиат ва ЮНЕСКО раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюрди, Тошкентда “БМТ-Аёллар” тузилмасининг ваколатхонаси очилди.

Ҳеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида 2025 йил нафақат икки, балки кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш борасида катта ютуқлар йили сифатида тарихига кириди.

### Фаолият самарадорлиги мезонлари

Ўзбекистон Президенти жаҳонда кескин геосиёсий ўзгаришлар бўлаётган, давлатлар суверенитетига хавф-хатарлар кучайган ва мамлакатлар ўртасида ишонсизлик йўқолиб, иқтисодий рақобатчилик тобора кескинлашаётган хозирги мураккаб шароитда ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни танқидий муҳокама қилар экан, Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар ишини янгича ташкил этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, Янги Ўзбекистоннинг хориждаги элчилари учун 4 та масала фаолият самарадорлигининг мезонлари бўлиши шарт. Биринчидан — мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ҳамда ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илгор замонавий технологиялар ва имфан ютуқларини фаол жалб этиш. Иккинчидан — иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган махсулотларни хорижий мамлакатлар бозорини эгаллашга ҳар жиҳатдан қўмақлашиш. Учинчидан — Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш бўйича фаол ва тизимли иш олиб бориш. Тўртинчидан — мамлакатимиздан хорижий ўлкаларга меҳнат миграцияси ҳуқуқий, адолатли ва манфаатли асосда йўлга қўйилишини таъминлаш. Давлатимиз раҳбарининг дипломатлар билан юзма-юз мулоқотида айни масалалар юзасидан атрофлича очик ва амалий фикрлашилди.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий дипломатияси ўтган қисқа даврда ўзининг самарадорлигини амалда кўрсатди. Бунинг тасдиғи сифатида Президентимиз эътиборини қаратган қўйидаги рақамларни келтириш мумкин: икки ва кўп томонлама тадбирлар доирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўйича битимлар имзоланди, тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 млрд. доллардан ошиб, экспорт 33,5 млрд. доллара етди, хорижий инвестициялар эса 43 млрд. доллардан ортди, ўтган йил 75 та давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 млрд. долларага кўпайди.

Шу нуктаи назардан, мамлакатларимиз элчиларига Яқин Шарқ, Европа, Осиё ва Африка давлатлари йўналишларида экспортни кенгайтириш, саноат, қўлиқ ҳўжалиги, кимё, тўқимачилик ва хизматлар соҳаларида аниқ лойиҳалар билан ишлаш вазифалари қўйилди. Айрим бозорларда Ўзбекистон махсулотларининг номи етарлича танитилмаётгани қайд этилди.

### Замонавий дипломатиянинг Янги Ўзбекистон модели

Нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилганидек, мил

лий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга бўлиб, дипломатик муносабатлар ўтмишимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “қадимдан мамлакатимиз ҳудудида дипломатия анъаналари шаклланган, аждодларимиз яқин ва узоқ хориж билан дўстлик ва ҳамкорликда яшашга интиланлар”.

Дарвоқе, 2022 йилда “Ўзбекистон дипломатияси тарихи” китоби чоп этилган бўлиб, бу давлатимиз раҳбарининг 2018 йил январда Ўзбекистон дипломатлари билан учрашувида илгари сурган ташаббусларига амалий жавобдир. Ўзбекистон дипломатияси тарихи ҳақида китоб нашр қилиниши катта сиёсий воқеа. Ушбу китобни хорижий тилларга ўгириб, нашр этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Қадимги замонлардан бошлаб бугунги кунгача — мустақил Ўзбекистон дипломатияси шаклланиши ва равнақ топишигача бўлган 3 минг йилдан ортқк даврни қамраб олган узоқ тараққиёт йўлида Янги Ўзбекистон дипломатияси босқини алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу янги босқинча — таъбир жоиз бўлса, Ўзбек дипломатиясининг Янги Ўзбекистон моделига айнан Президент Шавкат Мирзиёев асос солгани алоҳида эътиборга лойик. Бошқача айтганда, Президентимиз бундан 8 йил олдин Янги Ўзбекистон дипломатиясининг асосий йўналишларини кўрсатиб берди. Айни воқелик миллий дипломатия соҳасида янги Ренессанс даври бошланганидан далолат беради.

### Элчи қандай бўлиши керак?

Президентимиз дипломатларга “давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилаётган, ташқи сиёсатимизни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайдиган, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги юзи”, дея муносиб баҳо берди. Айниқса, давлатимиз раҳбари “Дипломатия, дипломатик — оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъат”, “Дипломатлар — жамиятнинг энг етук вакиллари”, шунингдек, “Элчи Президентнинг хориждаги расмий вакилидир”, деган юксак эътирофларни билдирди.

Элчилар билан учрашувида Президентимиз “Янги Ўзбекистон дипломати қандай бўлиши керак?” деган долзарб саволни яна бир бор кун тартибига қўйди. Давлатимиз раҳбарининг фикрларига қараганда, Янги Ўзбекистон шароитида, энг муҳими, дипломат ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, ўз халқи, ўз юртининг чинакам фидойисига айланиши зарур. Элчи ўз давлатига садоқатини намён этиш учун мамлакатнинг обрўси ва шаънини, шон-шўхратини, улугворлигини ҳар жиҳатдан эҳтиёт қилиши лозим. Ҳақиқий дипломат бўлиш учун фақат билим ва таҳриба, чет тилларни билиш етарли эмас, бунинг учун аввало тўғма истеъдор керак. Шу билан бирга, элчи чет мамлакатлар билан бўладиган муносабатларда у ердаги дўстларнинг хайрихоҳлиги ҳамда ғанимларнинг макр-хўйласидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб туриши даркор. Элчи ўзбек халқининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билиши, уларни юрагидан ўтказиши фарзу қарз. Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлсаю Ўзбек тилини билмаса, бу халқимизга жиҳатдан бошқа нарсас эмас. Элчи ўзи бўлиб турган мамлакат фуқароларининг юрагига қандай йўл топишни билиши, хусусан, инсон қалбини, халқ қалбини, аввало, унинг маданияти, адабиёти ва санъатига, миллий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали забт этиш мумкинлигини теран англаши даркор.

### Президентимизнинг илгор ташаббуслари

Президентимиз йиғилишда Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясини ривожлантиришга қаратилган янги ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат фаолияти концепциясини янгиллаб, унинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқаро майдонда мамлакатимизнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ вазифаларни белгилла олиш зарур. Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, “янги концепция мамлакатимизнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларини, ички ислохотларимиз мангитини, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инвестиция, экспорт, транспорт-логистика, сув ва иқлим масалаларидаги миллий манфаатларимизни яхлит ва ўзаро боғлиқ ҳолда акс эттириш лозим”.

Шунингдек, ташқи сиёсат бўйича кенгаш фаолиятини кучайтириш, бунда ташқи сиёсий алоқаларни кенгайтириш, олий даражадаги ташрифларга пухта тайёргарлик қилиш, дипломатия мутахассисларини қайта тайёрлаш ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига эътиборни янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ташқи ахборот сиёсати ва мамлакат имижини оширишда халқаро ОАВ ҳамда махсус медиалойиҳалар билан ишлаш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган дипломат” фарҳий унвонини тасвис этиш таклиф қилингани ҳам жуда муҳим. Бу ташаббус дипломатларимизнинг хизматларини муносиб эътироф этишга жиддий эътибор берилаётганининг амалий тасдиғидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Энди янгича руҳда ишлайдиган, аниқ натижаларга эришадиган, Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қиладиган дипломатлар даври келди”. Бинобарин, Янги Ўзбекистон жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бораётган мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ваэмин ва оқилона очик ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолиятини янада юксак босқичларда изчил давом эттиради.

**Акмал САИДОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутаты,**  
**академик.**

# ЖАРАЁН 3

## ОҚИЛАЛИК — ОИЛА ВА ЖАМИЯТ БАХТИНИНГ КАЛИТИ

Бугунги шиддатли замон биздан нафақат замонавий билимларни эгаллашни, балки минг йиллик қадриятларимизни асраб-авайлашни ҳам тақозо этмоқда. Шу боис Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улғулаш, жамиятда барқарор тараққиётни таъминлаш, хусусан, маҳаллаларда соғлом муҳит ва оилаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Сарҳисоб

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган “Оқила аёллар” ҳаракати жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини кўплаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси, оила, аёллар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фол, ташаббускор онахонларнинг сай-ҳаракатларини бирлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур тузилма қисқа вақтда маҳаллаларимизнинг маънавий сунъичга, хотин-қизларнинг эса яқин маслаҳаттўйига айланди. У тажриба ва доғишмандлик мактаби сифатида ҳаётнинг паст-баландини кўрган, билимли ва фидойий хотин-қизларни бирлаштирган катта қудир. Унинг таркибида кўп йиллар иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ ва бошқа турли соҳаларда ишлаган нурунийлар, маҳалланинг обрўли фаоллари жам бўлган. Ҳаракатнинг асосий вазифаси — оилаларда юзага келаётган муаммоларга вақтида ечим топиш, ёшларни гендер тенглик асосида миллий анъаналаримиз руҳида, сабр-тоқатли ва масъулиятли қилиб тарбиялашдир.

“Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари республика ва вилоятлар миқёсида мунтазам тарғибот тадбирлари, малака ошириш семинарлари, маърифий вебинарлар ва амалий тренинглр ўтказиб келмоқда. Бу орқали ҳаракат иштирокчиларига муаммоли хонадонлар билан ишлаш, психологик ёндашув, ҳуқуқий маслаҳат бериш, маҳалла ва фуқаролик институтлари билан ҳамкорлик механизмлари тўғрисида билим ва амалий кўникмалар бериб бориляпти. Шу маънода айтсак, ҳаракат фуқаролик жамияти институтининг муҳим механизми сифатида шаклланди. Бундай ёндашув нафақат муаммони аниқлаш, балки уни ечим учун ресурсларни бирлаштириш, соҳалараро ҳамкорлиқни кучайтириш имконини бермоқда.

### «Ақл билан оила қур»

Оилавий ажриллаш — жамиятнинг энг оғирлиқ нуктаси. Шу боис ҳаракат доирасида амалга оширилаётган “Ақл билан оила қур” лойиҳаси доирасида юзлаб профилактик учрашувлар ўтказилди. Психологлар, ҳуқуқшунослар ва дин арбоблари иштирокида ўтган бу мулоқотлар шунчаки суҳбат эмас, балки ажрим ёқасига келиб қолган қудратли оилаларнинг қайта тикланишига, фарзандларнинг ота ва она бағрида қоллишига хизмат қилди.

“Ақли аёл — мустаҳкам оила” шiori остида ўтказилаётган тадбирларда аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилада меҳр ва ақл мувозанатини сақлаш бўйича берилаётган маслаҳатлар ҳар бир хонадон учун асқатмоқда.

Бу тадбирлар маҳалла марказлари, маданият ва таълим муассасалари, касб-хунар мактаблари, қорхоналарда ташкил этилиб, уларда фаоллар, педагоглар, психологлар, имомхатиблар, нуфузли оқила аёллар қатнашляпти.

Ёшларга яқинроқ бориш учун уларга ўз тенгдошлари орқали таъсир кўрсатиш энг синналган ва самарали усуллардан саналади. Шу боис ҳаракат томонидан таълим муассасаларида махсус клублар ташкил этилмоқда. Ўтган йилда юртимиздаги мактаб ва касб-хунар таълими муассасаларида 6 700 та “Оқила қизлар” клуби фаолияти йўлга қўйилди. Бу клублар орқали қизларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларда ахлоқий тарбия, оилавий ҳаётга тайёргарлик, медиаасодоҳонлик, ҳуқуқий билим ва касбий йўналишларни бойитиш бўйича мунтазам суҳбатлар, амалий машғулотлар ва учрашувлар ўтказиб келиняпти. Бу қизларнинг ички салоҳиятини юксалтириш, етакчилик қобилиятини шакллантириш ва уларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

### Маънавий иммунитет, ижтимоий кўмак ва рақамли имкониятлар

“Оқила аёллар” ҳаракати фақат оилавий низолар билан чекланиб қолмайди. Улар маҳаллалардаги китобхонлик маданиятини юксалтириш, тўй-маросимлардаги исрофгарчиликка чек қўйиш ва ёшлар онгини ёт ғоялардан ҳимоя қилишда ҳам фаол иштирокчи. Айниқса, ногиронлиги бор аёллар, ёлғиз оналар ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган маънавий ҳамда иқтисодий дастак уларнинг ҳаётга ишончини мустаҳкамламоқда. Ҳаракат аъзолари уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши, касб-хунар ўрганиши учун кўприк вазифасини бажармоқда.

Аслида, аёлнинг иқтисодий мустақиллиги — оила фаровонлигининг муҳим шарти. Сўнгги йилларда ҳаракат доирасида хотин-қизларни тадбиркорликка йўналиштириш борасида мутлақо янгича ёндашув қўлланылди. Эндликда аёллар шунчаки иш билан таъминланиб қолмай, балки ўз махсулотини ишлаб чиқариш, уни сотиш ва шахсий брендини яратиш бўйича зарур кўникмаларга эга бўлмоқда. Бу хотин-қизларнинг нафақат даромадини, балки ўзига бўлган ишончини ҳам юксалтирмоқда.

Ҳаракатнинг келгуси режалари янада истиқболли. Замон билан ҳамнафас тарзда ҳаракат фаолияти тўлиқ рақамлаштирилмоқда. Эндликда ҳар бир туманда ташкил этиладиган психологик маслаҳат марказлари ва онлайн платформалар орқали оилалар масофадан туриб ҳам керакли ёрдам олиши мумкин бўлади. Бу оилалардаги барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли. Аёлларни рақамли саводхонликни юксалтириш ва “ашиил” иқтисодиёт лойиҳаларига жалб қилиш орқали эса уларнинг янги давр талабларига мослашуви таъминланади. Маҳаллаларда “Оқила аёл — ишончли маслаҳатчи” концепцияси жорий этилиб, минг нафар аёл махсус тайёргарлик орқали ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ечишда фаол қатнашади.

Шунингдек, ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, маҳаллада “Оқила аёллар” мактаби ташкил этилиб, 10 минг нафар аёлга “Оила психологиси”, “Аёл ва иқтисодиёт” ҳамда “Лидерлик” каби йўналишларда таълим бериш, малакасини ошириш, ишсизликни қамайтириш ва хотин-қизларнинг маҳаллий етакчилигини тайёрлашга эътибор қаратилди.

Умуман, “Оқила аёллар” ҳаракати Янги Ўзбекистоннинг маънавий қўёқасини шакллантиришда муҳим таянчдир. Зеро, аёл ақли ва меҳри билан сўғорилган оила ҳеч қачон завол топмайди, бундай оилалардан ташкил толган жамият эса ҳамиша қудратли ва фаровон бўлади.

**Ойниса МУСУРМАНОВА,**  
**Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари,**  
**профессор, “Оқила аёллар” ҳаракати етакчиси.**

2026 йил 1 сентябрдан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат хизматлари марказлари орқали хорижда яшаётган ватандошлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистонга таклиф этиш хизматларини кўрсатиш имконияти яратилади.



Сирдарё:

ҲУДУДЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНИБ,  
ТУРМУШ СИФАТИ ЮКСАЛАДИ

Тарихи Буюк Ипак йўли билан чамбарчас боғлиқ, “куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди” деб тасвирланган Мирзачўл воҳасида бунёд бўлган Сирдарё вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини топди. Кечаги аграр ҳудуд бугунги кунда саноати ривожланган инновацион вилоятга айланиб бораётир.

Нуктаи назар

Президентимиз ташаббуси билан “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда вилоятда мамлакат электр энергиясининг учдан бир қисми, чарм маҳсулотларининг 16 фоизи, фармацевтика воситаларининг 10 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Худуд нуфуси мамлакат аҳолисининг 2,5 фоизини, ер майдонининг 1 фоизини ташкил этса-да, бугунги кунда ҳудуд қатор соҳаларда ўрناк бўлиб келмоқда.

Миллий иқтисодиёт тараққий топиши ва мамлакат аҳолиси фаровонлигини таъминлашнинг бирламчи омили мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳамда ундан самарали фойдаланиш билан беvosита боғлиқдир. Зеро, жойларда барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришмасдан туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи мантқан ноўрин.

Дунёнинг жадал тараққий этаётган мамлакатлари, хусусан, Хитой тажрибаси мамлакатини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида ҳудудлар ўртасидаги тафовутларга барҳам беришдан иборат эканини кўрсатади.

Шу боис бугунги иқтисодий воқеликдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, қисқача айтганда, ижтимоий давлат концепциясини ҳаётда изчил қўллаш мақсадида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ри-



вожланишини атрофлича таҳлил қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда.

Эътибор беринг, кейинги саккиз йилда давлатимиз қўлаб-қувватлови ҳамда вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва бошқа тааллуқли идоралар сазй-ҳаракатлари билан Сирдарёга 4 млрд. доллар инвестиция киритилди. Бу даврда 187 та йирик қувват ишга тушди, 120 минг иш ўрни яратилди. 50 га яқин янги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилиб, саноат ишлаб чиқариши 4 трлн.дан 25 трлн. сўмга етди. Худуд иқтисодиётига инновация ва замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш, айниқса, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорлики кенгайтириш муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда вилоятда хитойлик сармоядорлар билан ҳамкорликда қиймати 500 млн. доллар бўлган 31 та замонавий корхона ишга туширилди. Натижада 5 минг нафар аҳоли юқори даромадли, барқарор иш ўринлари билан таъминланди. Айни пайтда эса хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 700 млн. долларга тенг бўлган 40 та янги лойиҳа устида ишлар жадал суръатларда олиб борил-

моқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши ҳудуд саноат салоҳиятини янада ошириб, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига хизмат қилиши кутилаётир.

Масалан, Сирдарё туманида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда қиймати 122 млн. доллар бўлган автомобиль ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа ҳудуд саноат салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Қозоғистон билан ҳамкорликда Сирдарё туманида жойлашган Марказий Осиё халқаро саноат кооперацияси марказини

ратилди, 2 минг нафар хунарманд фаолияти йўлга қўйилди. Минглаб ёшлар касб-хунарга ўқитилди.

Айни пайтда вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилот ҳамда идоралар ҳамкорлигида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилган ишлар ҳам изчил давом эттирилаётир. Ўтган йилда томорқадан самарали фойдаланиш, кичик саноат ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш бўйича янгилаш ишлар тизими илк бор Сайхунобод туманидан бошланган эди. Натижада тумандаги 13 минг хонадонда томорқадан унумли фойдаланиш ҳисобига ойлик даромад бир

Президентимиз ташаббуси билан “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда вилоятда мамлакат электр энергиясининг учдан бир қисми, чарм маҳсулотларининг 16 фоизи, фармацевтика воситаларининг 10 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Худуд нуфуси мамлакат аҳолисининг 2,5 фоизини, ер майдонининг 1 фоизини ташкил этса-да, бугунги кунда ҳудуд қатор соҳаларда ўрнак бўлиб келмоқда.

барпо қилишга киришилди. Мазкур марказ ҳудудида қиймати 300 млн. долларга тенг бўлган 14 та саноат корхонаси фаолият бошлайди. Ушбу ҳудудда қўшимча равишда 720 млн. долларлик 40 та янги лойиҳа жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳам юқалиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Таҳлил ва манбаларга кўра, ўтган йилда 455 млн. долларлик саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган. Сирдарёни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш дастури учун 2 трлн. сўм маблағ ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига 20 минг аҳолига имтиёзли кредитлар берилди, 5 минг йигит-қизга асбоб-ускуналар хариди учун субсидиялар аж-

неча баробарга ошди. Маҳаллардаги 1 800 та хонадонда 5-6 сотихли, яна 622 тасида 2-3 сотихли иссиқхоналар барпо этилди. Қисқа вақт ичида 700 та янги тадбиркор фаолияти йўлга қўйилди, 15 минг нафар ишсиз фуқаро доимий даромад манбаига эга бўлди. Асосийси, 1,5 минг оила камбағалликдан чиқарилди.

Ижтимоий соҳа ҳам алоҳида

Шундан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё вилоятини 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, вилоятнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, қисқача айтганда, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга Янги Ўзбекистон қийфаси ҳамда нафасини олиб киришда улкан мақсад ва режалар белгилаб олинган. Буларнинг барчаси ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли турмуш сифатини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, мақсадимиз аниқ — яқин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш. Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарфшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача, юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаро ислохотлар натижасини кундалик ҳаётида янада кўпроқ ҳис қилиши керак.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, мақсадимиз аниқ — яқин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш. Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарфшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача, юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаро ислохотлар натижасини кундалик ҳаётида янада кўпроқ ҳис қилиши керак.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, мақсадимиз аниқ — яқин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш. Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарфшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача, юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаро ислохотлар натижасини кундалик ҳаётида янада кўпроқ ҳис қилиши керак.

Акмал АБДУВОҲИДОВ,  
Гулистон давлат университети доценти.

Ижтимоий суғурта:

ОШКОРАЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Яқинда қабул қилинган “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Қонуннинг маъмул-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман

Таъкидланганидек, мазкур қонун ҳамда Президентимизнинг тегишли фармони-га мувофиқ, шу йилдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бу ўзгаришлар аҳоли-

ни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янги поғонага олиб чиқишга қаратилган.

— Жорий йилда бюджет ташкилотларида ишловчи 2,2 млн. нафар, хусусий секторда банд бўлган 3,6 млн. дан ортққ фуқаролар, шу-

нингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва норасмий секторда фаолият юритувчи 7 млн. нафардан зиёд аҳоли давлат ижтимоий суғурта тизими билан қамраб олин-иш режалаштирилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг ўринбосари Жамшид Абрӯев. — Шунингдек, 165 минг нафар суғурталанган шахсга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, 1 июлдан эса қарийб 500 минг нафар фуқарога вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари

муурожаатсиз, автоматик тарзда тўлаб берилади. Нафақалар электрон шаклда тайинланиши шаффофликини ошириб, ортққча қозғозбозлики қамайтиради.

Янги давлат ижтимоий суғурта тизими — шунчаки тўловлар эмас. Бу инсон қадрини улуглаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш ва давлатнинг фуқаро олдиданги масъулиятини амалда намоён этишдир.

Улугбек РЎЗИМАТОВ  
(«Халқ сўзи»).



“Diehl Metering” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган мазкур замонавий ҳисоблагичларнинг 670 минг донаси кейинги беш йилда аҳолига бепул ўрнатиб берилиши режалаштирилган.

— “Ақлли” ҳисоблагичлар тизимига ўттиш исрофгарчилик, ўзбошимчилик билан тармоққа уланиб олиш каби муаммоларга буткул нукта қўяди, — дейди “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ масъул ходими Равшан Ёқубонов. —

ТЎЛОВЛАРДА АНИҚЛИК,  
ТИЗИМДА ШАФФОФЛИК  
ТАЪМИНЛАНАДИ

Тошкентда “ақлли” сув ҳисоблагичларни ўрнатиш тажриба тариқасида дастлаб Шайхонтоҳур, сўнг Янгиҳаёт туманларида кенг қўламли амалга оширилди.

Янгилик

Ҳар бир тармоқ электрон назоратда, ҳар томчи сув марказий компьютер “мияси”да акс этади.

Бу инновацион ёндашув давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ, “Ўзсувтаъминот” АЖ билан Франциянинг “SUEZ International SAS” компанияси ҳамкорлиги доирасида бошланган. Лойиҳанин умуий қиймати 218,8 млн. евро ни ташкил қилади.

— Радиомодулли ҳисоблагичлар

дунёнинг қўлаб давлатларида юқори натижа берган. Шу боис Ўзбекистонда ҳам мазкур компания маҳсулотларини ўрнатяпмиз, — дейди “SUEZ International SAS” компанияси лойиҳаси директори Фулк де Сал де Баниерес. — Фуқаролар бу янгиликнинг афзалликларини тезда ҳис этмоқда: тўловларда аниқлик, тизимда шаффофлик бор.


Пойтахт ҳокимлиги “ақлли” ҳисоблагичларни маҳаллийлаштиришга жиддий эътибор қаратган. Ҳадемай, “Технопарк” саноат мажмуасида замонавий ҳисоблагичларни йиғиш линияси ишга туширилади. Бу эса коммунал соҳадаги лойиҳалар самарадорлигини янада оширишга туртки беради.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ  
(«Халқ сўзи»).

Имконият

ИННОВАЦИОН МАТЕРИАЛ  
ОБИҲАЁТНИ ТЕЖАШДА  
ҚЎЛ КЕЛАДИ

Когон тумани ҳудудидаги “Бухоро саноатни ривожлантириш комплекси” махсус саноат паркида фаолият олиб бораётган “Silk road innovation group” хорижий корхонасида гидроизоляцияланган полиэтилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитойлик сармоядорлар томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа қиймати 2,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.



Ушбу инновацион материал, одатда, нефть ва газ саноатида қўлланилади. Тажриба қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қурилиш соҳасида ҳам самарали эканини кўрсатди. Хусусан, унинг воситасида изоляция қилинган канал ва ариқларда сув исрофгарчилиги сезиларли даражада қамаяди. Бу турдаги полиэтиленни ўрнатиш катта куч ва меҳнатни талаб этмайди. Каналлардаги сув йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида кенг қўлланиладиган бетонга нисбатан арзон. Ҳароратга, ташқи таъсирларга чидамли. Зарурат туғилганда уни ариқдан олиб, бошқа жойга қўчириш ҳам мумкин. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларига сувни тежашда қўл келади.

Корхонада аниқ дамда йилга 600 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулот тайёрлаш имкони бор. Лойиҳанин кейинги босқичида бу миқдор ошиши, маҳаллий ёшлар учун иш ўринлари сони ҳам қўпайиши кутилимоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).



ХИТОЙ — МАРКАЗИЙ  
ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ  
ЙИРИК САВДО  
ШЕРИГИ

2025 йилда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо айланмаси 106,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу рақам бир йил аввалгига нисбатан 12 фоиз ошган.

Бу ҳақда ХХР Савдо вазирлигининг сайтыда эълон қилинган баёнотда айтилди.

Унга кўра, Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси тарихда илк бор 100 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу сўнгги беш йил давомида кетма-кет ижобий динамикани намойиш этмоқда.

Электромеханика, шунингдек, юқори технологияли товарларни етказиб беришда сезиларли ўсиш туфайли Хитойнинг Марказий Осиёга экспорти 71,2 млрд. АҚШ долларига етди. Бу — 2024 йилдагига нисбатан 11 фоиз кўп. Марказий Осиё мамлакатларидан импорт 35,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бу рақам эса бир йил аввалгига нисбатан 14 фоиз ортган.

ОЛИМЛАР «СУВ  
БАНКРОТЛИГИ»  
АТАМАСИНИ ҚЎЛЛАШНИ  
ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

БМТ университети ҳузуридаги Сув, атроф-муҳит ва саломатлик институти мутахассисларининг фикрича, энди сув инкирозини оддий танқислик деб атаб бўлмайди.

Ҳисоботга кўра, дарёлар, қўллар ва ер ости сув қатламлари табиат томонидан улар қайта тикланишига нисбатан тезроқ тугамоқда. Сувдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш ва унинг ифлосланиши, экотизимларнинг бузилиши ҳамда иқлим омилларининг қучайиши оқибатида қўллаб сув тизимлари ўз вақтида тиклана олмаяпти.

Тадқиқотчилар шуларни инобатга олган ҳолда, янги атама — “сув банкротлиги” атамасини қўллашни таклиф қилмоқда. Институт директори ва ҳисобот муаллифи Каве Мададни сўзларига кўра, сув банкротлиги оқибатлари аҳоли яшайдиган барча қитъаларда сезилади.

АҚШ НАТОДАГИ  
ХОДИМЛАРИ СОНИНИ  
ҚИСҚАРТИРМОҚЧИ

“Reuters” ахборот агентлиги хабарига қараганда, АҚШ НАТОнинг қатор асосий кўмондонлик марказларида фаолият юритаётган хизматчилари сонини қисқартиришни режалаштирмоқда. Унга кўра, НАТОнинг ҳарбий ва разведка операцияларини режалаштирувчи тузилмаларидан тахминан 200 та штат бирлиги олиб ташланади.

Маълум қилинишича, қисқартиришга тушган тузилмаларда жами 400 нафарга яқин АҚШ хизматчилари фаолият юритади. Демак, бу бўлимлардаги америкаликлар сони қарийб икки баравар қамаяди. Шуни таъкидлаш керакики, америкалик ҳарбийлар ўз лавозимларидан қақариб олинмайди, балки уларнинг хизмат муддати тугагач, бўшаган ўринларга янги ходимлар тайинланмайди. НАТО вакили вазиятга изох бераар экан, бу алмашиш оддий ҳол экани ва ҳозирда АҚШнинг Европадаги ҳарбий иштироки сўнгги йиллардагидан кўра юқорилигини таъкидлади.

ЭНГ ҚАДИМГИ ҚОЯТОШ  
СУРАТЛАРИ ТОПИЛДИ

Максим Оберт бошчилигидаги Австралиянинг Брисбен университети олимлари Индонезияда 14 та янги археологик ёдгорлик топилди.

Топилмалар — тасвирлар, жумладан, инсон қўлларининг бўялган излари ва одамларнинг расмлари Сулавеси жануби-шарқиданги Муна оролидаги Карст горларида аниқланди. Уларнинг ёшини аниқлаш учун олимлар ўн минглаб йиллар давомида расмларни қисман қоплашга улгурган минералларнинг радиоизотоп таҳлилидан фойдаланди.

“Қашфиёт қадимги одамлар Жануби-шарқий Осиё бўйлаб қандай ва қайси йўллар билан тарқалганига ишорадир”, дейилади “Nature” журналида чоп этилган шарҳда.

Тахлиллар расмларнинг ёш чегараси 67800 йил эканини кўрсатди. Бу уларнинг фанга маълум бўлган инсон қўли билан яратилган тасвирларнинг энг қадимийси эканидан далолат.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ  
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари, Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Р. А. Маҳмудовага ўғли  
Рустам МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюуртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-87.

Тахриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва малафга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.

Набатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.

Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. УЗА якуни — 03.40 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5 6